



Сайгоқнинг экологияси ва муҳофазаси саволлари бўйича информацион алмашинув учун 6-ти

**ACOSIЙ МАҚОЛА****Асосий мақола**

*E.Клебелсберг* “Алтин-Дала” табиатни муҳофаза қилиш ташаббуси: ҳавф остида бўлган чўл ва сайгоқни саклаш бўйича узок муддатли дастур

**1****Янгиликлар****3****Нашриёт шарҳи**

*A.Бекирова* Сайга ҳакида сага, ЦентрАзия, 2008 й.  
27 июнь

**6****Илмий мақолалар**

*Б.З.Дуйсекеев, С.Л.Скларенко.* Қозогистонда сайгоқни асраш

**7**

*В.Федосов.* Сайгоқ питомниги – экологик таълим маркази

**9**

*М.Косбергенов.* Ўзбекистонда Орол денгизининг шарқий соҳида сайгоқнинг маҳаллий популяциясини саклаб қолиш муаммосига

**10**

*Х. Б.Манджисев, Л.Г.Моисейкина.* Европа сайгоғи популяциясида альбинизм тўғрисида

**10****Лойиҳалар шарҳи**

Муғалистонда сайгоқни саклаш бўйича WWF лойиҳаси

**11**

“Степной” заказнигининг фаолиятида янги йўналиш

**12**

Лондон Империал Колледж лойиҳалари бўйича янгиликлар

**12**

Мен тўғримда эртак айтиб бер

**13**

Анъанавий кашта тикиш Устюрт аёлларининг кўшимча даромадининг манбаи сифатида

**13**

Ўзбекистонда сайгоқ учун КТҲларни баҳолаш бўйича янги лойиҳа бошланди

**14****Янги нашриётлар****14****Эълонлар**

2008 йилга SCA кичик грантларининг дастури

**15****SCA сайгоқни саклаш бўйича ҲМнинг****бажарилиши тўғрисида**

сайгоқни саклаш бўйича ҲМ/CMS бажарилиши бўйича ҳисобот, январь-июль 2007 г.

**16****«Алтин-Дала» табиатни муҳофаза қилиш ташаббуси: ҳавф остида бўлган чўл ва сайгоқни саклаш бўйича узок муддатли дастур**

Алтин-Дала табиатни муҳофаза қилиш ташаббуси (ADCI) шимолий чўл ва яримчўл экотизимлари ва уларнинг сайгоқ (*Saiga tatarica tatarica*) ёки тарғоқ (*Vanellus gregarius*) каби кескин ҳолатда бўлган асосий истиқомат килувчиликларини саклаш бўйича йирик масштабли дастурдир. ADCI Қозогистон Хукумати, Қозогистон биохилма-хиллигини саклаш асоцацияси (ACBK), Франкфурт зоологик жамияти (FZS),



Буюк британияда BirdLife - Кушларни химоя қилиш Қирол жамияти (RSPB) ва WWF International томонидан бажарилмоқда.

Халқаро миграция ва ривожланиш бўйича Германия Маркази АСВКда 2007 йилдан ишлаб келаётган икки эксперт ёрдамида лойиҳани кўлламоқда.

2006 йилда бошланган Алтин-

Дала табиатни муҳофаза қилиш ташаббуси

сайгоқнинг

Бетпакдала

популяцияси яшайдиган, майдони 55 млн. га (Франция катталиги)га якин худудга каратилган.

**Бетпакдалада ургочи сайгоқ қўзилаш вақтида.***Ева Клебелсберг сурати***Алтин-Дала ташаббусининг асосий вазифалари:**

- Сайгоқнинг Бетпакдала популяцияси ва унинг яшаш жойларининг келажакда омон қолиши учун, браконьеरлик ва яшаш жойларини ўзгариши, ҳамда парчаланиб кетиши каби асосий таҳдидларни ўрганишга киришмоқ.
- Турли мақомли кўриқланадиган худудлар тармоғи, шунингдек сайгоқ, ҳамда кулан, жайрон, тувалоқ ва тарғоқ каби бошқа асосий турларнинг кўчиб ўтиш йўллари ва яшаш жойларини саклаб қолиш учун йўлаклар ташкил килиш.
- Маҳаллий аҳоли ва бошқа манфаатдор шахсларнинг асл даҳлорлиги, ҳамда аҳолининг фаровонлиги ва кишилук хўжалигининг ривожланишини кувватлаш каби асосий имкониятларни аниглаш ва жойларда қўллаш.
- Табиатни муҳофаза қилиш чораларини режалаштириш ва жорий этиш мақсадида, Қозогистон чўл ва яримчўллари ва у ерда истиқомат қиласидаги турлар тўғрисида маълумот тўплаш.
- Чўл ва сайгоқни саклаш зарурити пропагандасини миллий ва халқаро даражада кучайтириш.

Давоми 2чи бетда.

*Ева Клебелсберг*, Алтин-Дала табиатни муҳофаза қилиш ташаббуси ва Қозогистон биохилма-хиллигини саклаш асоцацияси (ACBK),  
[eva.klebelberg@acbk.kz](mailto:eva.klebelberg@acbk.kz)

**Редакцион коллегия.** Буюк Британия: Э.Дж. Милнер-Гулланд, Империал Колледж Лондон ([e.j.milner-gulland@imperial.ac.uk](mailto:e.j.milner-gulland@imperial.ac.uk)); Қозогистон: А. Бекенов ва Ю. Грачев, Зоология институти ([terio@nursat.kz](mailto:terio@nursat.kz)); Хитой: Аили Кан ва Ли Лишу, WCS-Хитой ([ylgling@online.sh.cn](mailto:ylgling@online.sh.cn) ва [li@wcs.org](mailto:li@wcs.org)); Муғалистон: Б. Лхагвасурен, Биология институти ([ecolab@magicnet.mn](mailto:ecolab@magicnet.mn)) ва Е. Онон, WWF-Муғалистон ([mpo-species@wwf.mn](mailto:mpo-species@wwf.mn)); Россия: А. Лушчекина, Экология ва эволюция муаммолари институти ([russabcom@gmail.com](mailto:russabcom@gmail.com)) ва Ю. Арилов, Калмогистон Республикаси Ёввойи хайонлар маркази ([kalmsaigak@elista.ru](mailto:kalmsaigak@elista.ru)); Туркманистон: Дж. Сапармуродов, Чўл, ўсимлия ва хайонот дунёси миллий институти ([saparmuradov@mail.ru](mailto:saparmuradov@mail.ru)); Ўзбекистон: Е. Бикова ва А. Есипов, Зоология институти ([esipov@sarkor.uz](mailto:esipov@sarkor.uz)).

Материалларингизни 6 тилнинг бирида юборишингизни сўраймиз. Илтимос, [esipov@sarkor.uz](mailto:esipov@sarkor.uz) ва [saigaconservationalliance@yahoo.co.uk](mailto:saigaconservationalliance@yahoo.co.uk) манзилига еки мухаррирларнинг бирига юборинг. Биоллетенъ йилига икки марта чиқади.

Ба нашрдан online <http://saigak.biodiversity.ru/publications.html>, [www.iccs.org.uk/saiganews.htm](http://www.iccs.org.uk/saiganews.htm) ва <http://www.wildlifewarden.net/wcs/minis/Saiga-Chinese.pdf>да ва яна pdf форматидаги еки талаб бўйича инглиз, қозок, хитой, монгол, ўзбек ва рус тилларидаги матнидан фойдаланиш мумкин.

молиявий ёрдамида чоп этилади



Биргаликда маблағ билан таминалаш



Давоми (боши 1чи бетда)

#### Нимага эришдик:

**Сайгокни сақлаш:** Алтин-Дала Ташаббуси машина, палатка, дурбин ва бошқа зарур бўлган дала жиҳозлари билан таъминланган инспекторларнинг учта гурухини тузди. Улар инспекторлар давлат бригадалирини дала ишлари вактида кувватлайдилар, лойиханинг мониторинг тизими учун асосий турлар бўйича маълумот йигадилар, шунингдек ёшлар браконьерликка берилмаслиги учун мактаб ўқувчилари ва жойдаги обрўли инсон(анъанавий “қариялар кенгаши”)лар билан иш олиб борадилар.



ADCI командаси Бетпакдалада кузатувлар олиб бормоқда.  
Оркен Шамуханбетов сурати.

#### Сайгокнинг ялпи кўзилаши аниқланди

Сўнги ойларнинг энг ажойиб муваффакияти, Бетпакдала популяцияси учун сўнги йиллардаги барча тавсифларидан энг муҳими бўлган сайгокнинг кўзилаш жойларининг аниқланиши ва сакланиши билан боғлиқ бўлди.

Хозирги вактда Бетпакдала популяцияси сайгокларининг кўзилаш жойлари кичик қисмларга парчалangan ва сайгокнинг ялпи тўпланиши кузатилмаяпти. Бироқ, уч хафта илгари ADCI командаси 4 000 бошдан кўпроқ ургочи, таҳминан 20 кун давомида кўзилаган жойни аниқлади. Инспектор ва олимлар Иргиз-Тўргай резерврати давлат инспекторлари билан биргаликда сайгоқ подалари ёнида қолдилар ва безовталини ва браконьерликга чап бериш мақсадида, йўлларни тўсишда иштирок этдилар. Улар шунингдек поданинг тарқалиши, катталиги ва хатти-харакати бўйича маълумот тўпладилар. Экспедиция давомида учта кичикроқ кўзилаш жойлари аниқланди. Кейинги ойлар давомида инспекторлар подалар кетидан борадилар ва ADCI учун миграция ва яйловлар бўйича маълумотларни аниқлашга харакат киласидар.

2008 йилнинг апрел ойида ADCI командаси Қозогистон Хукуматининг “Сайгоқ ва ёввойи туёкли ҳайвонларни сақлаш бўйича дастури” орқали ҳар йили ўтказилган сайгоқ авиаучетларида илк бор иштирок этди. Хозирги вактда узок муддатли истиқболда сон бўйича аниқроқ маълумотлар олиш мақсадида, Бетпакдала популяциясининг мониторингини техник ва услубий тарафдан кучайтириш учун Қозогистон ўрмончилик ва овчилик кўмитаси ADCI лойихасини кўлламоқда. GPS ва алтиметрлар каби “замонавий” ускуналарнинг етишмаслиги ва кам сонли популяцияларнинг замонавий холатига мослаштирилмаган услубларнинг кўлланиши сабабли, сўнги йиллarda олинган маълумотлар унчалик аниқ кўринмайди. Бироқ, бу маълумотлар бизга ижобий ривожланаётган популяцион динамика тўғрисида информация беради.

**Кўриқланадиган табиий худуд яратиш:** ADCI ёрдами орқали муҳим ёзги яйловлар ва сайгокнинг кўзилаш жойларини камраб оладиган 500.000 га чўл ва сув-ботқоқлик участкалар “Кўриқланадиган табиий худудларни ривожлантириш давлат дастури”га киритилиши мумкин. Лойиха командаси кўриқланадиган худуднинг биологик ресурсларини тавсифлаш

билан бирга худуднинг талаб этилган илмий баҳоланишини молиявий кўллади ва ишлаб чиқди. Ҳозирги вактда биз иқтисодий ва техник асос тайёрламоқдамиз. Кўриқланадиган худуд, эҳтимол, 2010 йилга ташкил этилади.

ADCI ҳозирги вактда “Кўриқланадиган табиий худудларни ривожлантириш давлат дастури”га киритиш учун Қозогистоннинг кўриқланадиган худудлари тизимида экотизими етарлича кўрсатилмаган худудлар, сайгокнинг муҳим яшаш жойлари ва биохилма-хилликнинг “исик нукталари”ни аниқлаш учун “оқ доғлар” таҳлили деб аталмиш усул орқали янги участкаларни аниқламоқда. Алтин-Дала командаси шу йилнинг ёз мавсумида сайгок учун бу ерлар қандай аҳамиятга эгалигини аниқлаш мақсадида, бундай районларнинг бири ёки бир нечтасига экспедициялар узошибади.

Алтин-Дала мақсади сайгокнинг Бетпакдала ареали чегарасида катталиги 3-4 млн. га га якин кўриқланадиган худудлар тармоғини тузиш.

**Табиятни муҳофаза қилишини режалаштиришга экотизим ёндаши:** шимолий ярим шарнинг чўл ва ярим чўл экотизимлари ва уларнинг биохилма-хиллиги хали ҳам яхши ўрганилмаган. Аммо, сайгоқ табиий ялов ва ярим чўл ҳайвонот ва ўсимлик дунёси учун муҳим роль ўйнаши бўйича жиддий далиллар бор. Сайгоқлар чўл ўсимликларининг уруғларини катта масофаларга олиб ўтади, олиб ўтиш ва босиб-яничиб ерга кориш (бу ургунинг унишига имкон беради) йўли билан ер унумдорлигини оширади деб хисобланади. Молларни ёйиш даврийлигининг бузилиши ўсимликларнинг ялпи ўзгаришига, уларнинг деградацияси ва таркиби бўйича бой бўлмаган бир хилдаги ўсимлик копламининг тарқалишига олиб келди.

RSPB ва ACBK замонавий тадқиқотлари кескин ҳавф остидаги (IUCN 2007) тарғоқ (*Vanellus gregarius*) ва ёввойи туёкли ҳайвонларнинг чўлда ўтлаши орасидаги якин алоқадорликни кўрсатади. Бу ноёб кушнинг энг муҳим уялаш участкалари Қозогистонда жойлашган. У инларини ернинг ўсимликлари паст бир текис тарқалмаган жойларида жойлаштиради, жўжаси эса бекиниш учун баландроқ ўтларга муҳтоҷ. Бу вегетациянинг табиий холати эса молларни интенсив ўтлатиш натижасида бир маромда сакланмаяпти.

Байбак сугури (*Marmota bobak*) ва юмронқозиклар (*Spermophilus sp.*) каби йирик кемириувчилар ҳам ёввойи туёкли ҳайвонларнинг ўтлашига боғлиқ бўлиши мумкин. Уларнинг камайиши, эҳтимол, уларнинг асосий душманлари, биринчи навбатда дашт бўктаргиси (*Circus macrourus*), сарқ сор (*Buteo rufinus*) ёки чўл бургути (*Aquila nipalensis*)нинг сонига таъсир кўрсатади. Шунингдек, тасқара (*Aegypius monachus*) ва оқбош кумой (*Gyps fulvus*)нинг деярли бутунлай ўқолиши сайгокнинг кам сони билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Киши мавсуми давомида, ерни кор қоплаб, кемириувчи ва бошқа майда сут эмизувчиларга ов қилиб бўлмаганда бўрилар бутунлай сайгоқларга қарам бўлиб колади. Улар кари ва касал зотларига ов қиласи, чунки соғлари тез югуради ва уларни ушлаш қийин. Хозирги кунда йирткич-курбон муносабатидаги дисбаланс бўриларни кўй ва бошқа ўй ҳайвонларига ҳамла қилиш учун, қишлоқларга яқинлашишга мажбурлайди. Бу маҳаллий чўпонларга муаммо бўлиб, бўриларнинг ялпи кирилишига олиб келмоқда.

Университет ва илмий институтлар билан ҳамкорлик ўрнатиш орқали, шунингдек ўз илмий изланишлари ва мониторингини бажариб, ADCI режалаштирилган кўриқланадиган худудлар, йўлаклар ва муҳофаза чоралари бўйича таянч (база) билимларни тўплашга харакат қиляпти:

- Хозирги вактда ADCI Грейфсвалд университети ва Қозогистон илмий институт ва университетлари билан биргаликда чўл сукцессияси ва экотизимларни тиклаш бўйича илмий лойиҳани ривожлантирипти.



- Тарғок бүйича RSPB ва ACBK лойиҳаси доирасида экотизим талаблари, ҳамда уй ва ёввойи туёкли хайвонларнинг ўзаро таъсири ўрганилмокда.
- Ҳозирги вақтда сайгоқнинг Бетпакдала популяцияси чегерасида ижтимоий-иктисодий вазият,

## Янгиликлар



### Америка Конгрессининг аъзолари сайгоқ тўғрисида кўпроқ маълумотга эга бўлди

2008 й. июль ойида Сайгоқни сақлаш бүйича альянс Америка Конгрессининг аъзо ва ходимларига сайгоқни сақлаш тўғрисида сўзлаб бериш учун, ICCF (International Conservation Caucus Foundation) Халқаро табиатни муҳофаза килиш фонди томонидан таклиф этилди. SCA вакили д-р Алина Кюль сайгоқ тўғрисида маъруза билан чиқди, бу ICCF Конгресс учун уюштирган брифингнинг бир қисми бўлди. Ёввойи табиат фондидан чиққан Карен Росс Окавандо дельтаси тўғрисида

ердан фойдаланиш тартиби ва демографик трендларни ўрганиш ADCI томонидан Deutsche Gesellschaft für Technische Zusammenarbeit (German Technical Cooperation) GTZ ёрдамида олиб бориляпти.

### Хамкорлик йўлида

2008 йил февраль ойида Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза килиш Далат Қўмитаси ва Қозогистон Республикаси ҚҲВ Ўрмончилик ва овчилик кўмитасининг кўшма кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш якунлари бўйича “Сайгоқнинг Устюрт популяциясини сақлаш бўйича 2008-2010 йилларга биргаликдаги ҳаракатлар режаси”

имзоланди. Биргалиқдаги режани амалга ошириш доирасида Ўзбекистон вакили Қозогистонда ўтказилган сайгоқнинг авиаучетларида иштирок этди (*наст. қар.*). Қўшимча маълумот учун [gosbiocontrol-ruz@sarcor.ru](mailto:gosbiocontrol-ruz@sarcor.ru), Ўзр Давтабўймитаси Г.Ф. Гончаровга мурожсаат қилинг.

### Қозогистонда сайгоқнинг биргаликдаги авиаучетлари ўтказилди

Қозогистонда сайгоқ авиаучети 2008 йил 14 апрелдан 4 майгача ҚР ТФВ(МОН) Зоология институти, ҚР ҚҲВ ўрмончилик ва овчилик кўмитаси, “ПО Охотзоопром”, ўрмончилик ва овчилик хўжалигининг вилоят худудий бошкармалари, Қозогистон биохилма-хиллигини сақлаш Асоциацияси ходимлари, ва шунингдек, Ўзбекистондан Сайгоқни сақлаш бўйича Альянс вакили иштирокида ўтказилди. Сайгоқнинг умумий сони 61,0 минг бошни ташкил этди, шу ҳисобдан Бетпакдала популяцияси – 32,3 минг, Устюрт популяцияси – 10,4 минг, Урал популяцияси – 18,3 минг.

2007 йилга нисбатан сайгоқнинг умумий сони 11,3%га кўпайган, бирок Устюрт популяцияси учун кисқариш белгиланган. Бу популяцияга нисбатан масала ҳали ҳам очик колмоқда – учет вақтида сайгоқнинг қандай миқдори Ўзбекистонда бўлади? Шубҳасиз, турли йилларда об-хаво, иклим шароитларига боғлиқ бўлган холда, сайгоқнинг бу миқдори ҳар хил бўлади. Бу масалани ечиш учун сайгоқ учетини иккала давлатда ҳам бир вақтда олиб бориш керак. Қўшимча маълумот учун [terio@nursat.kz](mailto:terio@nursat.kz), ҚР МОН Зоология институти Ю.А. Грачевга мурожсаат қилинг.



Сайгоқлар самолет қаноти остида. В.Тугалев сурати



Охотзоопром ва Зоология институти ходимлари сайгоқни Урал популяциясининг учти вақтида. Д.Головцов сурати

### Сайгоқ Ўзбекистон Қизил китобига киритилди

2008 йил 5 марта Тошкентда Қизил китоб бўйича Муассасаларро Комиссиянинг режадаги йиғилиши бўлди ва унда сайгоқни миллий Қизил китобга киритиш тўғрисидаги карор бир овоздан қабул қилинди. 21 апрель куни Ўзр Давтабўймитанинг 39-сонли бўйруғи билан сайгоқ, заиф тур мақоми билан Қизил китобга киритилди. 1991 йилдан бошлаб Ўзбекистонда сайгоқ ови тақиқланган ва у алоҳида муҳофаза

килинishi лозим бўлган турлар рўйхатига киритилган эди, бирок бу кутилган ижобий самарани бермади. Сайгоқ мақомининг қайта кўрилиши ва уни миллий Қизил китобга киритилишига Республикада ҳар йилги қишики миграция вақтида ҳам, кўзилаш жойларида ҳам сайгоқ сонининг кескин қисқарилиши сабаб бўлди.

Күшимча маълумот учун [gosbiocontrol-ruz@sarcor.ru](mailto:gosbiocontrol-ruz@sarcor.ru), ЎзР  
Давтабўймитанинг Даебионазорати,

А.А. Григорьянцга мурожсаат қилинг.



## Ўзбекистонда сайгоқ ҳимоячиси топилди

Сайгоқ муҳофазаси муаммолининг тубдан ечиш учун 2008й. 15 февралда ЎзР Давтабўймитанинг томонидан КР Олий Кенгаши билан келишган ҳолда ИАИ(САИ) (Ихтинослаштирилган Амударё инспекцияси) тузилди. Амударё этакларининг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, шу жумладан сайгоқ, Бухоро буғуси, жайрон ва тувалоқнинг муҳофазаси, ҳамда саксовул, тўранги ва б-ни ноконуний кесишнинг олдини олиш унинг асосий вазифаси. Устюрт платоси назорат килинадиган худуднинг қисми бўлади. ИАИ штати 6 кишидан иборат,

2та УАЗ автомашинаси бор Худуднинг кўламдорлиги (10 млн. га дан ортиқ, шу жумладан Устюрт ва Орол деңгизини куритилган тубининг шаркий сохили Козогистоннинг Кизилўрда вил. чегарасигача) ва сайгоқ овиининг спецификаси(*паст. қар.*)ни хисобга олганда, бу турнинг муҳофазасини кафолатлаш учун турли ҳалқаро фонд ва ташкилотлар томонидан кўшимча ердам жалб этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Кўшимча маълумот учун [erponmakset@mail.ru](mailto:erponmakset@mail.ru), САИ, М.Косбергеновга мурожсаат қилинг.

## Хитой ҳукумати сайгоқни сақлаш ва ундан ишлаб чиқилган тиббий маҳсулотнинг маъмурий тартибга солиниши ҳақида эълон қилди

2007. 12 ноябрда ХХР Ҳукумати Овчилик хўжалигининг Давлат бошқармаси, Соғликни сақлаш Вазирлиги, Саноат ва савдо Давлат бошқармаси, дори-дармон ва озик-овқат сифатининг санитария назорати бўйича Давлат бошқармаси ва Анъанавий Ҳитой медицинаси Давлат бошқармаси билан биргалиқда “сайгоқ, панголин, илонларни ноёб турларининг муҳофазасини кучайтириш ва улардан медицина эҳтиёжидаги тайёрланган маҳсулотни стандартлаштиришини бошқариш бўйича Низом” қабул қилишини эълон қилди.

Низомнинг қабул қилиниши панголин ва илонларнинг ноёб турлари сонининг тез қискарилиши, шунингдек “сайгоқ шохининг кескин этишмаслиги” анъанавий Ҳитой медицинаси (АХМ) препаратларини тайёрлашда ҳом ашё танглигига ва ҳалқаро жамият томонидан муаммоларга олиб келган, вакти вақти билан содир бўлиб, Ҳитойга келаётган контрабандада холатларига олиб келиши билан боғлик. СИТЕС ва МСОП бошқариш ва бажаришни кучайтирилишини талаб қилиб сайгоқни сақлаш тўғрисида резолюция юборди.



Анъанавий Ҳитой медицинаси бозори. Лишиу Ли сурати

Сайгоқ шохи ва ундан тайёрланган маҳсулотнинг чакана нархини бошқариш ва тартибга солиш мақсадида, Низомда атайн қуидаги бандлар мавжуд:

1) Табиий популяцияларни тиклаш жараенига, ҳамда сайгоқ, панголин ва илонларнинг ноёб турларини туткинликда кўпайтиришга истемолчи корпорацияларни жалб этишини

йўналтириш, рағбатлантириш ва қўллаш.

2) Ҳом ашё заҳирасини назорат қилиш учун рӯҳатдан ўтказиш, рўйхат олиб бориш, шаклини стандартлаштириб, сақлаш усулини кўрсатиши.

3) Ҳозирдан сайгоқ шохидан ҳом ашё белгиланган шифохоналарда клиник қўлланилиши билан ва АХМ препаратларини ишлаб чиқариш учун чекланиши керак. Уларнинг биронтаси ҳам бу белгиланган шифохоналар ташкарисида сотилиши мумкин эмас. АХМ препаратларини ишлаб чиқариш учун сайгоқ шохидан фойдаланмоқчи бўлган ҳар қандай структура, дори-дармон ва озик-овқат сифатининг санитария назорати бўйича Давлат бошқармаси ва кузатувчи агентликлар томонидан берилган тегишли руҳсатномага эга бўлганлардан бири бўлиши керак.

4) Нолегал манбалардан сайгоқ шохидан ҳом ашёни қонуний савдо тармогига тушмаслигининг олдини олиш учун, текшириш, рўйхатга олиш ва стандартлаштиришдан кейин, ҳом ашё фақат рӯйхатдан ўтган АХМ препаратларини ишлаб чиқариш корпорациялари ва белгиланган шифохоналарга сотилиши мумкин. У факат руҳсатномаси бўлган АХМ препаратлари ёки бошқа маҳсулотни ишлаб чиқаришда, ва белгиланган шифохоналарда клиник фойдаланиш учун қўлланилиши мумкин.

5) АХМ препаратлари ва таркибида сайгоқ шохи мавжуд бўлган маҳсулотлар этикеткалар билан таъминланиб назорат остида бўлиши керак. 2008й. 1 марта сотувга келишидан олдин барча АХМ препаратлари ва таркибида сайгоқ шохи мавжуд бўлган маҳсулотларнинг энг кам дозали упаковкасида “Ҳитойда ёввойи ҳайвонлардан фойдаланиш ва тижорат фаолияти” ёзувлни ёрлиқ бўлиши шарт.

6) Назоратни кучайтириш ва яхшилаш керак. Сайгоқ шохининг нолегал савдоси ва контрабандаси қатъий жазоланиши керак.

Бу Низомнинг қабул қилинишига сайгоқ шохи заҳирасини рўйхатга олиш ва бошқариш фақат бир нечта АХМ препаратларини ишлаб чиқарадиган корпорациялар ва фармакологик компаниялар учун ҳом ашёдан фойдаланиш билан чегараланган эди. Бу чакана корпорациялар ва индивидуал запаслар учун тегишли бошқарувни таъминламасди. Янги Низом юкорида кўрсатилган турлар, айниқса сайгоқ шохининг чакана савдосини бошқаришдаги бўшлиқни тўлдиради. У стандартлаштирилган менеджмент ва сайгоқ шохини чакана бозорининг назоратини йўналтиради.

## Қалмик газеталаридан

2008 йил 23 майдан «Известия Калмыкии» газетасининг хабар беришича бу йил сайгоқларнинг кўзилаши кечроқ, май ойининг ўрталарида бошланди ва совуқ кунларга тўғри келди.

Шу сабабдан янги туғилган сайгоқчаларнинг сони олдинги йилларга қараганда анча кам бўлди. "Черные земли" давлат биосфера кўрикхонаси илмий ходимларининг маълумотлари



бүйича, уларга "Тингутинский" («Степной») заказнигига бу йилнинг баҳорида кўзилашга анча кам урғочилар келган (2007 й. 12 000га нисбатан 7 000га якин). Бунинг сабабини мутахассислар хам қийин иқлим шароитларининг мавжудлигига (ўтган йили ёзда қурғоқчилик чўл антилопаларини кетишига мажбурлади), хам муассасалардаги қийин ахвол (КР бўйича Россельхознадзорнинг федерал

Бошкармасидан регионал Табиат Вазирлигига моддий ва одам резервни ўтказиш жараёни ҳозирги кунгача чўзилиб келмоқда) туфайли тегишли муҳофазанинг йўклигига кўрмокдалар. Бироқ ҳозирги иқлим шароитлари – ёмғирли баҳордан кейинги баланд ўсган ўт-ўлан – оптимизм туғдиради: ёзда сайғокларга алоҳида кўрикландиган худудлардан узокка, озика кидириб кетишига тўгри келмайди.

## Ёш олимлар сайгоқни сақлаб қолиш муаммосини Саратовда ўтказилган Халқаро мактаб-семинарда мунозара қилдилар

2008 йил 5 – 7 майда РФА А.Н. Северцов номидаги Экология ва эволюция муаммолари институтининг Саратов филиали (Саратов обл., Краснокутск райони, Дьяковка к.) базасида “Чўл экотизимларининг табиий ва антропоген динамикаси ва мухитнинг ўзгараётган шароитларида табиатни муҳофаза килишига ёндашиш” ёш олимларнинг навбатдаги халқаро мактаб-семинари ўтказилди. Ёш олимлар олдида етакчи чўлшунос-олимлар маъruzalar билан чиқдилар, экспурсия ташкил қилинди. Ёш олимларнинг маъruzalari кўйидагиларга бағишиланган эди; чўл зонасида табиий ва антропоген омиллар; чўл табиий-территориал комплексларининг структураси; чўлларнинг ҳайвонот дунёси; чўл экотизимлари муҳофазасининг муаммолари. РФА ЭЭМИ аспирантлари К.О. Ларионов ва Н.Ю. Ариловаларнинг маъruzalari сайғокка бағишиланган эди. Бу маъruzalар мактаб иштироқчиларида кизикиш ва қизғин музокара уйғотди. Мактаб- семинарнинг материаллари “Поволжский экологический журнал”нинг маҳсус сонида нашр этилади. Қўшимча маълумот учун [arylova@gmail.com](mailto:arylova@gmail.com), РФА ЭЭМИ, Н. Ю. Ариловага мурожаат қилинг.



Халқаро мактаб-семинар иштироқчилари.  
Елена Данжалова сурати

## Хитой, Юньнань провинциясида сайғоқ шохининг нолегал сотувида гумон қилинаетган икки шахс ҳибсга олинди

20 январда Куньмин ш. аэропортида учиб кетиш вақтида Чжэцзян провинциясидан мисс Ли ҳибсга олинди. Хавфзизлик хизмати унинг бағажида иккита сайғоқ шохини топди. Лининг айтишича, у шохларни қайноасини даволаш учун Куньминда Цзюйхуаюань анъанавий Хитой медицинаси (АХМ) бозорида жаноб Чжоудан 1,800 юань (~ US\$225)га сотиб олган. Бу маълумотга асосланиб, провинция ўрмончилик хўжалигининг полициячилари оқшомдаек Цзюйхуаюань АХМ бозорида жаноб Чжоунинг омборида 28та сайғоқ шохини топдилар. жаноб Чжоунинг айтишича уч йил аввал синъязнилклар бозорда АХМ учун ҳом ашё сотган. Ўшанда у 6800 юань/кг (~US\$850) нарҳдан 30та шох сотиб олган. ХХР ФА Куньмин Зоология институтида ўтказилган экспертиза натижалари бу 30та шох 22та сайғоқка тегишилигини кўрсатди (1 табиатни кўриқлаш тоифаси). Иккала гумон қилинаетганлар ҳозирги вақтда тергов остида.



Хитойда сайғоқ шохини бозорда сотилиши.  
Чжасо Яо сурати

## Хитой, Ганьсу провинциясида сайғоқнинг бта шохининг мусодараси билан ҳайвонларга оид маҳсулотини нолегал сотиш холати

Xinhua Net, Ляньчжоу халқаро табиатни сақлаш ташкилотидан олинган маълумотни далил қилиб 16 январда Ганьсу провинцияси ўрм. хўжалигининг полициячилари ҳайвонларга оид маҳсулотни нолегал сотиш холатини очдилар

деб хабар беради. бта сайғоқ шохи, 1та тулки териси ва фил суюгидан ясалган 90та буюм мусодара қилинди. Гумон қилинаетган 12 шахснинг ҳаммаси ўз айини тан олди.

## Қалмоғистонда браконьер ов қилинган сайғоқ билан ушлаб қолинди

Парламентский вестник Калмыкии хабар беришича 2008й. 8 январда Қалмоғистон Яшкўл райони бўйича ИИБ участка милиционерлари Хулхуталик 43-еши М. В. Романенко бошқарувидаги ВАЗ-2107 автомашинани тўхтатдилар.

Автомобиль багажхонасида сайғоқ нимтаси топилди. Ромаренко сайғоқни мотоциклда браконьерлик қилиб ов килгани аниқланди. Жиной иш кўзгатилган.

## **Браконьерлар Бойкүнғир космодроми ҳудудида тұхтатиб қолинди**

Экспресс-К козоқ газетасининг мухбири Илья Гук хабар беришича, 2008.17 январда Қозғистон Қизилўрда вилоятининг Каражусан деган жойида браконьерларнинг бир нечта гурухи ушланди. Аввал текширувчилар ЗИЛ автомашинасини тұхтатди, бу ерда 4та сайғоқ нимтаси ва 2та 12-чи калибрли ов милитиги топилди. Кейин улар яна 2та

сайғоқ нимтаси, 2та 12-чи калибрли ов милтири ва 7,62 калибрли “Сайга” нарезкали қуролни олиб кетаеган Зта енгил автомашинани тұхтатдилар. Баеннома ва ашевий далиллар Кизилурда ДВДга ўтказилди. **Батапсис** [http://www.express-k.kz/show\\_article.php?art\\_id=14461](http://www.express-k.kz/show_article.php?art_id=14461) да Баеннома да.

# Нашриёт шарҳи

**Қозғыстон: ЦентрАзия**. 27.06.2008 [қискартирилган накли]  
<http://www.centrasia.ru/newsA.php?st=1214553420>

## Сайга ҳакида сага

*Сайгоқыннан Қозғалыстон популяциясини ким/німа үлдірді.*

Сайғокнинг ўлимида суд тизимиңинг гуманизацияси айборд...

...яна тарих, иқтимал ва бизнинг кўшнилар. Бу тўғрисида, Алматида бўлиб ўтган, ноёб ва йўқ бўлиб кетаётган ёввойи ҳайонлар ва сайфоқнинг муҳофазаси, ҳамда қайта тикланишига бағишланган пресс-конференцияда гап кетди.

Хали 1993 йилда ҳам Қозоғистонда сайғокнинг сони 1 млн 300 минг бўйдан иборат эди. Бирок, 2003 йилга бориб Қозоғистонда атиги 21 минг сайғоқ колди. Бунинг сабаблари кўп. Бу, ҳайвонларнинг кўпини Ўзбекистонга кетишга мажбурлаган 1993 йилнинг совук киши ҳам. Ўша вақт хроникасидан маълумки, сайғоқлар хатто одамлар уйларига кирган, одамлар эса уларни отиб олган. Кейин 1995 йилнинг техноген фожиаси. Олимлар нима бўлганини ҳанузгача тушингани йўқ, бирок ракета учиринда, ёки ракетани кайтишида қандайдир модданининг отилиб чиқиши ҳайвонларнинг ялпи кирилишига олиб келди. Аммо, сайғоқ шохи савдосига рухсат берилб, энг кучли зарбани давлат етказди. Браконьерлар хатто гўштини нимтalamасдилар, факат шохини кесиб оларди. Сайғоқ шохи Хитойга сотилиларди.

Факат 1999 йилда давлат мансабдорлари шу йиллар давомида фожиа түгрисида дод солган, табиат кўрикловчиларининг ожиз овозларини эшитди. Ўшанда сайфок ови такикланди.

Хозирги вақтда сайғоқ сони 61минг башдан иборат. Шу билан бирга Устюрт популяциясининг қискарилиши кетяпти. Ўттан йили уларнинг сони 15 мингта эди, бу йил эса 10 минг. Бунинг сабабини зоологлар сайғоқни қицда, ҳайвонлар тегишли равишда қўриқланмайдиган, Ўзбекистон ва Туркманистанга кўчуб ўтишида кўраяпти. Буни кўшиниларимиз ҳам тан оладилар. Бу йилдан сув ресурслари ва ҳайвонот оламини сақлаш ва

улардан оқилона фойдаланиш, ҳамда алоҳида кўрикланадиган табиий худудлар тармогини ривожлантириш бўйича 2008-2010 йилларга Давлат дастури бошланди. У 2005–2007 йй бўлган ўхшаш дастурнинг лавоми бўлади

Бутун мамлакатда ноёб ва йўқ бўйлиб кетаётган турларнинг муҳофаза килиш хизматининг жихозланиши яхшиланяпти. Ҳозиринг вактда 40тага якин машина бор. Таркибида мамлакатимизнинг ҳар бир очисига маълумот бўлгандан маълумотлар маҳсус базаси илшаб чиқиляпти. Бундан ташкари, Қозогистон ҳайвонот дунёсини саклаш ва браконьерликка қарши курашишга каратилган “Алтин Дала” узок муддатли табиатни муҳофаза килиш дастури бошланди. Бу билан Қозогистон биохилма-хиллигини саклаш Ассоциацияси ва Ёввойи табиатни муҳофаза килиш Бутун жаҳон фонди каби ноҳукумат ташкилотлар шуғилланаяпти. Шунингдек, НПО ва давлат органларининг биргаликдаги харакатлари билан табиатни муҳофаза килиш зоналарини тузиш бўйича иш олиб бориляпти. Сайгоқ муаммоси халкаро даражада ҳам ечилимоқда. 2007 й. май ойида Қозогистон ва Туркманистон сайгокни сақлаш муаммолари бўйича хукуматлараро битимни имзолади. Ўзбекистон билан монанд битим мувофиқлаштириш боскичида турибди.

Хозирги кунда браконъерлик сайғокни йўқолишининг асосий сабаби бўлиб қоялти. 2007 йилда Қозоғистонда 2500дан ортиқ браконъерлик ҳолатлари аниқланган. Бу факат белгиланган ҳоллари. Бор йўғи 120 иш судгача етиб борган. Бизнинг суд тизимимиз гуманизацияси сабабли, браконъерлик билан боғлиқ ишлар кўпинча жиной жазо билан тугалланмаяти. Энг яхши ҳолда – бу шартли хукм. Бироқ, масалан, транспорт воситаларини мусодара қилиш масаласи умуман кўйилмаган. Зоологлар бу масала бўйича адлия ва ички ишлар вазирлигига ердам сўраб мурожаат қилганлар. Аммо ҳозирча ўзгаришлар кузатилмаяти. Табият ҳимоячиларининг ишончи комил, агарда браконъелар овга келадиган джиплар мусодара қилингага эди, бу кўпчиликнинг ақлини киритарди. Уларнинг сўзларига караганда “давлат конунчилигига браконъерлик воситаси деб, ҳайвон қувиб борилган транспорт воситаси хисобланади.” Бу далил хужжатлар асосида белгиланиши керак. Бироқ егерлар буни қила олмайди! Факат овчиларнинг ўзлари камерага олаётган бўлса бунинг иложиси бор. Квадроцикл ва кордаюралар эса яқинда транспорт воситаларига киритилди.

Инспекторлар, уларнинг транспортини очишлиарни билан солишири бўлмаслигига бир неча бор шикоят қилганлар. Бундан ташкири, овга чиқаётган одамлар кўпинча юкори табакага мансубдир. Бу ерда гап қиска бўлади. Мана шунга зоологлар жазолаш чорасини жиҳий қилиш ва уни барчага, истисносиз кўллашни талаб этмоқда. Ўз тарафидан улар кўйидан келган ҳаммасини ва ундан ортикроғини киляптилар.



## **Сайгоқлар Бетпакдалада құзилаш вақтида.**

*Алина Бекирова*

**Маълумот**

Битта отиб олинган сайғок учун штраф 150–200 минг тенгени ташкил этади. Браконьерни 3 йилгача озодликдан маҳрум этиш учун битта сайғок танаси билан ушлаш ҳолаты етарлича. Шунингдек КР ҳукуматининг 2004й. 8 январдаги 18-сонли карори билан түекли ҳайвонларнинг эмбрионли ургочисини ноконуний овлашда етказилган зарарни қоплаш микдори белгиланган. Энди туғилмаган сайғок учун штраф 70 минг тенгени ташкил этади

## Илмий мақолалар

### Сайгоқни Қозогистонда сақлаш

Дүйсекеев Б.З.<sup>1</sup>, Скляренко С.Л.<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Қозогистон Республикасы Қишлоқ хұжалиги вазирлиги Үрмөнчилик ва овчилик құмитаси, Остона ш.;

<sup>2</sup> Қозогистон биохима-хиллигини сақлаш ассоциациясы, Алматы ш.

Сайғок сонининг кескин камайиши натижасыда уни асраш Қозогистонда миллий муаммога айланды. Мамлакатда сайғокнинг ўнта маъмурый вилоят: Актюбинск, Атираус, Жамбыл, Фарбий-Қозогистон, Караганда, Кизилурда, Мангистау, Жанубий-Қозогистон ва қисман, Ақмола, ҳамда Алмати ҳудудларида жойлашган учта: Бетпақда, Устюрга ва Урал популяцияси яшайды. Сайғокнинг бутун ареали давомида маҳаллий ахоли томонидан йил давомида олиб бориладиган браконьерлик, тур сонини камайишининг асосий сабабидир.

Қозогистон Ҳукумати томонидан Республикада сайғокни йўқ бўлишига йўл қўймаслик бўйича чоралар кўриляпти. Бу масалада кескин ўзгариш 2001 йилга тўғри келди, республика бюджетидан сайғокни муҳофазаси ва учётига илк бор 14,0 млн. тенге ажратилди. Кейинги йилларда маблағ билан таъминлаш ҳажми мунтазам ўсиб борди ва 2005-2007 йй. йилига 200,0 млн. тенге (1,7 млн. АҚШ долларига яқин)дан ташкил этди.

Қишлоқ хұжалиги Вазирлиги үрмөнчилик ва овчилик хұжалиги Құмитаси ва КР Тайлим ва фан Вазирлиги Зоология институти томонидан “2005–2007 йилларга ноёб ва йўқ бўлиши ҳавфи остидаги ёввойи туёкли ҳайвонлар турлари ва сайғокни сақлаш бўйича дастур” ишлаб чиқилди. Дастур вилоят ақиматлари билан мувофиқлаштирилди ва 2005 йил март ойида Қозогистон Республикаси Ҳукуматининг қарори билан қабул килинди. Шу йилдаётк дастурни амалга ошириш учун республика бюджетидан 182,5 млн. тенге ажратилди, 2006 й. эса - 205,0 млн. тенгедан кўпроқ ва 2007 йилда маблағ билан таъминлаш 200,0 млн. тенге (1 млн. 670 минг АҚШ долларига яқин)дан ортикли ташкил этди.

Сайғокнинг ноконуний ови учун жавобгарлик чораларини кучайтириш мақсадида, КР Жиноий Кодекси ва КР маъмурий конунни бузиш Кодекси нормаларига ўзгариш ва кўшимчалар киритилди. Хусусан, овланиши мутлако тақиқланган ҳайвонларни ва улардан тайёрланган маҳсулотни сотиб олиш ёки сотиши учун жазо кўзда тутилган. Бу низом браконьерлик маҳсулоти ноъмалум шахсадан олинган деб браконьерларни жавобгарлиқдан кетиш имкониятидан маҳрум этади.

Қўмитанинг 2005 йил 22 сентябрдаги 206-сонли буйруги билан Қозогистон Республикасининг барча ҳудудларида 2011 йилгача сайғокни овлаш, шунингдек шохи ва ундан тёерланган маҳсулотни йигиш, сотиб олиш ва сотиши, илмий мақсадда фойдаланиш холларидан ташқари, тақиқланди. Ушбу Буйрук ўрнатилган тартибда КР Адлия вазирлигига рўйхатдан ўтказилди.

Дастур доирасида сайғок бошини иилига камида 10%га кўпайтириш ва тур популяцияларини овланадиган сонга етказиш мақсадида, муҳофаза килиш таъбирларини янада самарали юргизиш бўйича иш олиб борилди. Сайғокнинг аниқ яшаш жойлари аникланди, лимитловчи омиллар(браконьерлар, бўрилар)ни бартараф этиш бўйича чоралар кўрилмоқда. Сайғок ареалининг барча қисмларида овчилардан овчилик бригадалар ташкил этилиб 2005-2007 йилларда 5000та бўри овланди.

Сайғок муҳофазаси унинг яшаш жойларида РГКП “ПО “Охотзоопром” томонидан амалга ошириляпти. 83 инспектордан иборат бўлган 9та мобил гурух, 43та ўта қийин йўллардан ўта оладиган автотранспорт ва 4та спорт мотоциклни жалб этган ҳолда, вахта методи билан ишлапти. Шунингдек, сайғокни кўриқлашда үрмөнчилик ва овчилик хұжалиги вилоят ҳудудий бошқармаларининг давлат инспекторлари ва ҳуқукни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ҳам иштирок этапти. Мобил гурухлар табель қуроли, йўлдошли телефон, видео- ва фотокамера, ҳамда мобил радиостанция билан таъминланган. РГКП «ПО «Охотзоопром» томонидан «Ми-2» вертолети сотиб олинган ва у ҳозирги вақтда сайғокларни кўриқлашда ишлатилади.



Охотзоопром инспекторлари Бозой п. атроф. дала аэроромида Устюрга популяциясини хисоблаш вақтида, 2008 й. баҳори. Д. Головцов сурати

2005-2007 йй. Қўмита вилоят ҳудудий бошқармаларининг давлат инспекторлари, РГКП «ПО Охотзоопром» ходимлари, ҳуқукни муҳофаза қилувчи органлари ва табиатни муҳофаза килиш жамоа ташкилотлари томонидан, натижасыда 210 сайғок отиб олинган, браконьерликнинг 34 ҳолати аникланган. Барча кўрсатиб ўтилган далиллар бўйича материаллар процессуал қарор чиқариш учун ҳуқукни муҳофаза қилувчи органларига ўтказилган, уларнинг бир катори бўйича табиатни муҳофаза қилиш қонунларини бузган шахслар етказилган зарарни қоплаш билан жиноий жавобгарлиқ тортилган.

Сайғокни сақлаш пропагандаси мақсади билан, Дастурнинг бажарилиши доирасида, ижтимоий роликлар яратилган. Ушбу видеоматериал «Қозогистон», «Хабар», «Ел-Арна» ва «31 канал» республика телеканаллари бўйича кўрсатиляпти. Сайғок сонининг ошиши билан браконьерлик эҳтимоллигининг кўтарилишини белгилаш лозим. Шу сабабдан маҳаллий ахолини республика ва регионал ОАВ орқали турнинг муҳофазаси ва сонини тиклаш бўйича давлат томонидан кўрилаётган чоралар ва браконьерликнинг беъмани ва шафқатсизлиги тўғрисида

хабардор килиш бўйича иш олиб бориляпти. Матбуотда ошкор килинган браконъерлик далиллари ахолида хукукбузарларга нисбатан негатив муносабат шаклланишига ва уларга жавобгарликнинг адекват чораларини кўллашга жамоат назоратининг ўрнатилишига имкон туғдиради.

Халқаро лойиха доирасыда мактаб ўқувчилари учун “Көзогистон чүллари мүжисази” деб номланған ўқув құлланма тайерланди, ҳамда қозоқ ва рус тилларыда кatta тираж билан нашр этилди (*Saiga News* #4 күр.). «Казахстанская правда» газетасыда 2005 й. «Акция «КП»: «Спасем сайгу» рубрикасыда сайғокни сақлаш ва тиклаш саволлары бўйича бир катор мақолалар босилган.

РГКП «ПО «Охотзоопром» «Seimar Social Fund» хусусий қозоқ хайрия фонди билан биргаликда сайфоқ түгрисида “Бөкій күчмандылар изидан” фильмини, хамда халқаро ва мамлакат табиатни муhoфаза килиш ташкилотлари билан биргаликда қозоқ, рус ва инглиз тилларида “Сайга ҳакида сага” мультипликацион фильмини яратди.

КР ҚХВ ўрта муддатлы режаси ва Даастурни бажарыши доирасида 2007й. 27-29 июляда Күмита РГКП «ПО «Охотзоопром» билан биргаликда сайфокнинг Бетпакдала популяциясини муҳофаза килиш бўйича рейд тадбирлари ўтказиладиган жойларга «Қозоғистон», «Хабар» ва «Астана» телекомпанияларнинг журналист ва оправторлар гурухини олиб чиқишни ташкил этди. Журналистлар Костанай, Актюбинск ва Караганда вилоятлари чегараларининг туташган жойида ишлар олиб бориш худудини “АН-2” самолетида кўздан кечириш имкониятига эга бўлдилар; телекомпанияларнинг сайдикларни хаводан суратга тушириди ва Күмита, ўрмончилик ва овчилик хўжалиги Актюбинск вилояти худудий бошқармасининг мансабдор шахслари ва “Охотзоопром” инспекторларидан интервью олдилар. Сафар якунлари бўйича телевидение учун материаллар тайёрланди.

Сайфокни саклаш бўйича тадбирларга нодавлат ташкилотларини жалб этиш бўйича ишлар олиб бориляпти. «Seimar Social Fund» фонди «SOS Сайга» лойихаси доирасида РГКП «ПО «Охотзоопром»нинг сайфокни муҳофаза қилиш бўйича инспекцион гурухлари учун “КамАЗ” базасида 4та вахта автомашинаси, 10та “УАЗ” автомашинаси, радиостанциялар, йўлдошли телефонлар, GPS асборлари, тунда кўриш асборлари ва б.-ни беғараз ёрдам сифатида олиб берди. Сакфокни саклаш бўйича тадбирларда «Ак бокен» ижтимоий фонди хам иштирок этаяпти.

Мамлакатдан сайғоқ шохини ноконуний олиб чиқиш каналларини бекитиш мақсадида, Кўмита томонидан божхона ва чегара хизматлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича иш олиб бориляпти.

Чора-тадбирларнинг бу комплекси сезиларли натижалар беряпти, бу давлат бюджети хисобидан мунтазам ўтказиладиган мониторинг натижалари билан тасдиқланади. Сайгоқлар учети учта - Бетпакдала, Устюрт ва Урал популляцияларида, Қўмитанинг 2003 й. 9 апрелдаги 82-сонли буйруғи билан тасдиқланган, Қозогистонда сайгоқларнинг авиаучети бўйича Методик кўрсатмаларга мувофиқ ўтказилади. Учет ишларида КР ТФВ Зоология институти ходимлари, РГКП «ПО «Охотзоопром», ҳамда ўрмончилик ва овчилик хўжалиги Караганда, Костанай, Жамбиль, Қизилурда, Актюбинск, Фарбий-Қозогистон, Мангистау ва Атирау вилоят худудий бошқармаларининг ходимлари иштирок этади. Сайгоқ сонининг учети бўйича тадбирларни назорат килиш мақсадида, Қўмита учет ўтказиш жойларига марказий аппарат ходимларини юборади. РГКП «ПО «Охотзоопром» ва КР ТФВ Зоология институтининг ҳисоботлари бўйича 2003-2007 йй. сайгоқнинг сони жадвалда кўрсатилган.

КР ҚХВ ўрмончилик ва овчилик хўжалиги Қўмитаси томонидан кўрилаётган чоралар натижасида сўнгги 4 йил ичидаги сайфоқ сонининг баркарор ўсиши кузатилмоқда; 2007 йилда у 54,0 минг бошни ташкил этди.

Хисобга олиш маълумотлари бўйича 2006 йилга нисбатан Усторт популяцияси сонининг 1,4 минг бошга камайиши белгиланди (-7,7%). Хозирги вактда бу Қозогистон ташкарисига – Коракалпокстон (Ўзбекистон)га кўчиб ўтадиган ва натижада йил бўйи муҳофаза қилинмайдиган ягона популяция.

Бундай вазият сайғоқни сақлаш бүйіча халқаро ҳамкорлық зарурлугини күрсатади.

2004 й. Күмита ва WWF сайғоқни мухофаза қилиш бүйича ҳаракатларни ўзаро мослаш саволларини, ҳамкорлик муносабатларнинг ривожланишини мұхокама қилди ва Ҳамкорлик түгрисида Битимни имзолади. Қозоғистонда сайғоқларни саклашга жавобгар давлат органдың сифатида, Күмита CMS Секретариати билан биргаликта 2006 й. сентябрь ойида Алмати ш. Сайғоқни саклаш ва бошқарышта тегишли Ҳамжихатлик түгрисида Меморандумни (ХМ)имзолаган давлатларнинг Ҳалқаро кенгашини ўтказди. Кенгашда сайғоқнинг тарқалиш ареалининг давлатлари - Россия, Узбекистон, Туркменистан, Хитой, Муғулестон вакиллари, ҳамда манбаатдор халқаро табиатни мухофаза қилиш ташкилотлари иштирок этди. Кенгашда Меморандум Қозоғистон томонидан имзоланди.

ҲМнинг самарали бажарилиши учун Қозоғистон, Россия Федерацияси, Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасида икки томонлама битимлар зарур. 2007 й. май ойида Қозоғистон Ҳукумати номидан ҚР Қишлоқ хўжалиги Вазири Туркманистон Ҳукумати билан айни шундай битимни имзоланган. Сайғоқнинг муҳофазаси ва ҳисобга олиниши бўйича биргаликдаги чора-тадбирларни талаб этаетган, Ўзбекистонга кўчуб ўтадиган Устюрт популяциясининг муаммоси айниқса кескин бўлиб турибди. Шу муносабат билан, Кўмита томонидан Устюрт популяцияси сайғоқларини саклаш бўйича икки томонлама Ҳукуматларо битимнинг лойиҳаси тайёрланди; ҳудди шундай битим Урал популяцияси бўйича Россия билан биргаликдаги ҳаракатлар учун тайёрланди. Бу ҳужжатлар ўрнатилган тартибда Россия Федерацияси ва Ўзбекистонга юборилди. Кўрсатилган битимларнинг имзоланиши 2008 йилда куттиляпти.

Битимларнинг лойиҳаларида куйидаги саволлар акс эттирилган:



**Бетпакдалада яңги туғилған сайғоқча, 2008 й. баҳори.**  
*Оркен Шамуҳанбетов сураты*

### **Жадвал. 2003-2007 йилларда популациялар бўйича сайгоқнинг сони (минг зот)**

<b>Популяция номи</b>	<b>2003 й.</b>	<b>2004 й.</b>	<b>2005 й.</b>	<b>2006 й.</b>	<b>2007 й.</b>
Бетпакдала	1,8	6,9	9,9	18,6	22,8
Устнорт	12,8	15,0	19,6	17,8	16,4
Урал	6,5	8,8	10,1	12,9	15,6
Жами	21,2	30,7	39,6	49,3	54,8



- сайгок ва унинг яшаш жойларининг муҳофазаси бүйича муддатли чораларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- учетлар ўтказиш, популяцияларнинг холати ва кайта тикланишини кечишининг мониторингини ташкилаштириш;
- муҳофаза, сайгокдан фойдаланиш ва овлаш маҳсулотларини савдосига тегишли қабул қилинаетган қонунчилик ва мөърий актларнинг келишилиши;
- сайгокнинг муҳофазаси ва ундан фойдаланиш саволлари бүйича информация билан алмашишини амалга ошириш, барча манбаатдор ташкилот ва шахсларни жалб этиш билан кўшма кенгашлар ўтказиш.

Сайгокларни миграция йўлларида қўриқлашнинг самарадорлигини ошириш учун Кўмита Актюбинск, Қизилурда ва Фарбий-Қозоғистон вилоятларидаги алоҳида қўриқланадиган табиий худудлар тармоғини кенгайтишини режалаштирган. Қозоғистон Республикаси Хукуматининг 14.02.2007 йилдаги 109-сонли Қарори билан Актюбинск вилоятидаги 763549 га майдонда сайгокларни саклаш учун, юридик шахс мақоми билан, Иргиз-Тўргай давлат табиий резервати тузилиди, қўриқлаш хизматининг штати 66 инспектордан иборат.

Сайгокни ва умуман, чўл биоценозларни саклаш бўйича ишлаётган барча ташкилотларнинг тиришишини бирлаштириш учун, Кўмита ва Қозоғистон биохилма-хиллигини саклаш Асоцацияси (ҚБСА) томонидан, Франкфурт зоологик жамияти (FZS), Кушларни химоя килиш Қирол жамияти (RSPB) ва WWF билан биргаликда «Алтин-Дала» йирик масштабли ташаббуси бошланди (асосий мақ. кўр.). Манбаатдор хукумат, жамоа ва халқаро ташкилотларни кенг жалб этилиши, сайгокнинг Бетпакдала популяцияси ареалида турли даражадаги алоҳида қўриқланадиган табиий худудлар тармоғини тузиш, экологик йўлаклар ажратиш, уларни сакланишининг самарали тизимини йўлга кўйиш, маҳаллий аҳоли билан фаол ишлаш ва б. режалаштирилган.

## Сайгоқ питомниги – экологик таълим маркази

Федосов Виктор

«КР Ёввойи ҳайвонлар маркази» ДБ, [kalmsaiga@elista.ru](mailto:kalmsaiga@elista.ru)

Жонсиз чўлда сайгокка ўрин йўқ. Шувокнинг аччик хиди, суфитургайларнинг жаранглаган ашулалари, сугурлар чинқириги, мовий осмонда парвоз қилаетган дашт бургутлари, антилопалар тўдалари, уя енида икки жуфт гўзал турна ... Бу чўл биоценозида ҳаммаси ўзаро боғлик ва ортиқча, муҳимроқ ёки кераксизроқ хеч нима йўқ. Шунинг учун, иши кўп йиллар давомида “Йирик ўтхўрлар бўйича фонд” (LHF), 2008 йилдан эса Руффорд фонди (Rufford Small Grants Foundation) томонидан қўллаб-куватланаётган “Қалмоғистон Республикаси ёввойи ҳайвонлар маркази” сайгокни саклаш бўйича ишлар билан чекланиб қолмайди. Ҳаётнинг барча хилма-хиллигини, тақорланмас чўл ландшафтларининг сакланиб қолиши аҳамиятсиз эмас. Марказ экологик таълим бўйича дастурлар ўтказиш орқали бу масалани ечапти.



Қалмиқ мактаб ўқувчилари Яшқўл питомнигида экскурсияда.  
Юрий Арилов сурати

Шунингдек, “Алтин-Дала” ташаббуси доирасида ҚБСА томонидан 2007 й. 26-28 апрель кунлари Жезказган вилоятида сайгокни хисобга олишда қўлланиладиган методикаларни баҳолаш бўйича дала семинари ташкил этилди. Унда FZSдан экспертлар д-р М. Нортон-Гриффитс (M. Norton-Griffiths) ва А.Дж. Мак Конвил (A.J. McConville), Кўмита раисининг ўринбосари Х.Ш. Мусабаев, «Охотзоопром», ҚР ТФВ Зоология институти, ҚБСА, Кўмитанинг вилоят ҳудудий бошқармаларининг вакиллари иштирок этди. Семинар натижалари бўйича Қозоғистонда сайгок сони бўйича аниқроқ маълумотлар олиш учун, методикаларни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Қозоғистон Республикаси Хукуматининг 2007 й. 8 октябрдаги 914-сонли Қарори билан, сайгокни саклаш ва кайта тиклаш соҳасида ишларнинг давоми кўзда тутилган, “Хайвонот олами ва сув ресурсларини саклаш ва улардан оқилона фойдаланиш, ҳамда 2010 йилгача алоҳида қўриқланадиган табиий худудлар тармоғини ривожлантириш Дастур” тасдиқланди. Костанай вилоятининг жанубида янги қўриқланадиган ҳудуд - 489,0 минг га майдонли «Алтин-Дала» давлат табиий резерватини тузиш дастурда мўлжалланган.

Шундай килиб, қозок хукумати номидан Кўмита бутун кучини бериб сайгок мониторинги, сакланиши ва популяцияларининг тикланишига мунтазам равишда катта маблағ сарф қиляпти. Қозоқ ва халқаро ташкилотларнинг кенг доирасини жалб этиш билан бораётган иш сезиларли натижаларини берди – сайгок сони стабиллашди ва усаяпти. Кўмита ва унинг қозок шериклари, шу жумладан ҚБСА, бу турнинг сакланишида манбаатдор бўлган барча ташкилот ва шахслар билан ҳамкорликка очик.

Бунинг учун Яшқўл питомниги мунтазам автомобил экспурсиялари ташкил этилган. Сайгоқ питомниги шаҳар ва катта ўйлардан узоқлигига қарамай, аҳоли орасида донги кетган. Бир йил ичida уни 120 дан ортиқ одам зиерат қилди. Мехмонлар орасида – мактаб ўқувчилари, корхона ва ташкилот ходимлари, олимлар. Табиийки, сайгоқ подаси экспурсантларда алоҳида кизиқиши уйготади. Ҳайвонларни безовта кильмаслик учун, кузатувлар маҳсус жиҳозланган вишкадан олиб борилади. Чўл антилопаларини кузатиш одамларда уларнинг кейинги ҳаёти учун жавобгарлик хиссини тарбиялайди. Ноъмалум ва идрок қилинмаган нарсани яхши кўриш мумкин эмас. Питомникка сайрлар экспурсоводнинг хикоялари билан олиб борилади. Ташириф килувчилар учун “Мен тўғримда ҳаммасини биласанми?”,



“Бизнинг тирик меросимиз – сайгоқни сақлаймиз” буклет ва брошуналари нашыр этилган. Экотуризм экспозицияларни кенгайтиришни талаб этади. Шунинг учун Яшкүл питомнигига янги ҳайвонлар олиб келингенди. Иккى йил аввал Марказга учта ёввойи чүчқа боласи берилген эди. Кичкентойлар катта бўлди ва баҳорда тўнғизлар оиласида кўпайиш кутилмоқда. Бўғоз чўчқа учун зудлик билан вольера куриляпти. Ургочи буйволда ҳам бузоқча туғилиши кутиялапти. Ўтган йили эса питомнида бўталоқ туғилди. Эндилиқда чўлда 4та тұядан иборат пода кўчуб юрибди. Аввал ҳайвонлар ўзлари катта бўлган фермага кетмоқчи бўлди. Бироқ, чорвадорларнинг ғамхўрлиги туфайли, улар янги яшашиб жойига секин ўрганди. Ҳатто, тұялар чўлда тунаганда ҳам, марказ ходимлари унча ҳавотир олмайди. Подада узоққа кетмайди ва ўзини йирткичлардан ҳимоя қила олади.

## Ўзбекистонда Орол денгизининг шарқий соҳилида сайгоқ популяциясини сақлаш масаласига

*Косбергенов Максем*

*ЎзР Давтабжумита Ихтисослашан Амударё инспекцияси [erponmakset@mail.ru](mailto:erponmakset@mail.ru)*

Бу йил қаҳратон совук (-35<sup>0</sup>C гача) бўлгани туфайли сайгоқни овлашга браконъерларнинг имкони бўлмади. Илгари браконъерлар хеч қачон сайгоқларни кўзилаш даврида отмас эди, улар кузда, семирган вақтида овланарди. Ҳозир гўшт нарҳининг умумий ошиши сабабли, сайгоқ ови кўзилаш даври билан бирга ҳамма вақт олиб бориляпти. Бу даврда сайгоқлар енгил ўлжа бўлиб қоладилар, чунки улар деярли катта бўлмаган худудда жамланиб браконъерлар учун заиф бўладилар. Браконъерлар ҳам сайгоқ гўштини жойида тузлаб, тайерлайди, ҳам сайгоқчларни ушлайди. Чегаранинг иккى тарафидаги бадавлат одамлар, бир жуфтни 200 доллардан, сайгоқчларни буюртма қиляпти, бунинг устига, талаб йилдан йилга ўсиб боряпти.

Сайгоқларнинг унча катта бўлмаган группировкаси (2004 йилга 1000 бошга якин) Ўзбекистонни Мўйноқ ва Тахтакўпир туманларининг Қозогистон Қизилўрда вилоятининг чегарасигача бўлган худудида, саксовулзор билан кам мустаҳкамланган кўмларда яшайди. Кўрсатилган худудлар деярли аҳолисиз, бу ерда нефть ва газ қазиб олиш ишлари олиб борилмайди, энг якин аҳоли пунктига узок.

Орол денгизининг шарқий соҳилида типик бўлмаган жойларда сайгоқнинг пайдо бўлишига бир нечта тахминий фикр бор. Биринчиси – бу Қизилўрда сайгоқлари. Бу тахминий фикр асоссиз, чунки Қизилўрда вилоятининг кўп аҳолилик районларидан сайгоқларни ўта олганлиги эҳтимолдан узок. Иккинчи тахминий фикр – сайгоқлар Возрождение оролидан қишида музлаган туб устидан келган. Бундай бўлиши мумкин, бироқ бу фикр кўшимча ўрганишни талаб этади. Сайгоқлар Устюрт чинкидан тушган деган учинчи тахмин эҳтимолга якин. Сайгоқлар шиддатли, совук шамолни жуда емон кўради. Ҳатто чуқур кор ҳам бунчалик сайгоқларни хайдамайди ва нобуд килмайди. Бизнинг кўп йиллик маълумотларимиз сайгоқлар совук шамолдан ҳар қандай пана жойга, шу жумладан бетон кудуклар ва ташлаб кетилган газ трубаларига бекинишини (биз сайгоқнинг етиб қолиш жойларининг кўп сонли излари ва музлаб қолган жасадларини топғанмиз) тасдиқлади.

## Сайгоқнинг Европа популяциясида альбинизм тўғрисида

*Манджисев Х. Б., Моисейкина Л.Г.*

*Калмиқ давлат университети, [kalmsaiga@elista.ru](mailto:kalmsaiga@elista.ru)*

Бошқа кўпгина ҳайвонлар каби, сайгоқ учун ҳам альбинизм ҳоллари тавсифланган. Альбинизмнинг сабаби организмда меланин-пигментлар (грекча «melanos»-қора) ишлаб чиқилмаслигидан. Маълумки, куёш спектри нурларининг катта

Ҳозирги вактда питомнида күшлар учун катта вольералар куриляпти. Учта биринчи тұякуш сотиб олинди. “Еввойи ҳайвонлар маркази” күшларнинг бошка турларини ҳам кўпайтиримоқчи. Ярадор ва касал ҳайвонлар учун госпиталь жиҳозланади.

Шундай килиб, сайгоқ питомниги экомаърифат, ҳамда чорвачилик ва паррандачилликнинг анъанавий бўлмаган обьектларини кўпайтириш пропагандасининг жойи бўлиб коляпти. Бу соҳаларнинг ривожланиши кишлоқ аҳолисининг фаровонлик даражасини оширади ва бу ўз навбатида браконъерликни кисқарилишини осонлаштиради. Умид қиласиз, ёввойи ҳайвонлар тутқинликда муваффакиятли кўпаяди ва бизларда уларни табиатга чикариш учун имконият туғилади.

Саксовулзорлар шамолдан бекинишга яхши пана жой сифатида ва етарли озиқа мавжудлиги билан сайгоқларни ўзига жалб этади. Орол денгизининг шарқий соҳилидаги паст-баланд кўмлар ҳайвонлар учун типик эмас, бироқ бу ерда сайгоқларнинг унча катта бўлмаган группировкаси сакланниб қолган ва бир неча йил давомида кўпаймоқда. Бу группировканинг аниқ сонини белгилаш учун, учетлар ўтказиш зарур. Нима учун сайгоқлар ўзларига хос бўлмаган жойларда омон кола олдилар? Чучук сувнинг мавжудлиги (Кўк-дарё қўлоби), аҳоли пунктларидан узоклиги (энг якин кишлоқ 150-200 км да жойлашган), қишики пана жойлар ва йўлсизлик бунинг асосий сабабларидан бўлади.

Бу худудда сайгоқ овининг спецификаси шундан иборатки, овчилар, ҳамда нимта ва сайгоқчаларни йигувчилар бошка-бошка машиналарда юради, шунинг учун кўпинча уларнинг жинонй ўзаро боғлиқлигини исбот қилиш жуда қийин. Сайгоқ ва унинг боласига ов қиувчи криминал, даромадли ва деярли жазосиз – браконъерлик структурасининг ташкил топиб, кучайётгани тўғрисида ишонч билан айтиши мумкин. 2008 йилнинг факат май ойида ўтказилган иккита рейдда АИА (Ихтисослаштирилган Амударё инспекцияси, юкор. кар.) инспекторлари томонидан Тахтакўпир туманида сайгоқнинг кўзилаш жойларида иккита автомобилда куролланган 7 киши ушлаб қолинди ва уларга жарима солинди. Бироқ уларнинг сайгоқ овига дахлдорлигини исботлаб бўлмади, чунки нимта ва сайгоқчаларни олиб кетаётган ва мобил рациялар билан жиҳозланган учта тезюарар машина Қозогистоннинг чегарадош худудига кетишига улгурди. Атрофни яхши билишидан ва Қозогистонда якин қариндошлиқ алоқаларидан фойдаланиб, браконъерлар таъкиб киувчилардан осон чегара ортига қочиб яна қайтиб келиши мумкин. Шунга қарамай, браконъерларга уруш эълон килинди, конун сайгоқ ҳимоячилари томонида ва енгил ўлжа “ишишибозлари” жазосиз колмайди.

қисмини ўзига сингдира оладиган меланинлар терини күёш радиациясининг ортиқчаси, шу жумладан ультрабинафша нурларидан ҳимоя қиласи. Кўриш ва эшитиш каби сезги аъзоларининг нормал ишлаши учун ҳам меланин зарур.

Альбинос-хайвонларнинг ўзгача кўриниши турли ҳалкларда кўпгина афсона ва ривоятлар келтириб чиқарган. Кадимги замонда қалмиклар оқ сайгоқ кўринишида “Чўл эгаси” ёки “Оқ мўйсафи” келишига ишонишган. Ким бундай сайгоқни ўлдирса, ўзининг бошига бало орттиради. Бирок, agar бу ривоятларнинг тагида асоси бўлса ҳам, уларда альбинослардан кўра оқ тусдаги ҳайвонлар ва қисман альбинослар тўғрисида гап кетган. Тўлиқ альбинослар эса ўзининг кўпчилигига суст яшовчанлиги билан ажralиб турари ва эволюция йўлида шафқатсиз бракка чиқарилади, шунинг учун омон қолиб насл бериш ҳаммасига ҳам насиб этмайди.



Х.Манджиев «оддий» сайгоқча ва альбинос-сайгоқча билан.  
Ю. Арилов сурати

Маскировка туси бўлмаган ва ўз туридан кескин ажralиб турган альбинос-хайвонлар йирткичларнинг оширилган эътиборини ўзига тортади. Шунингдек, ташки кўриниши жуфтлашишда ҳам катта роль ўйнайди. “Туси кетган” альбинос-эркаклари интенсив бўялган эркакларини афзал кўрган ўз тури урғочиларининг ихлосини олиши даргумон.

Адабиётдаги маълумотлар бўйича альбинослар катта ешгача яшамайди. Фақат бир марта қалмик популяциясида 1976й. овлаш даврида 1,5 ёшдаги урғочи-альбинос учраган хол аник. (И.А.Погодин, о.м.). Афтидан, сайгоқларда бу мутациянинг яшовчанликка катта аҳамияти бор. Шунингдек, ўлик альбинос-сайгоқчаларни учратиш ҳоллари баён килинган. Янги туғилган сайгоқчаларнинг вазни кичкина бўлган (ўртача киймати эркагининг 3,38 кг ва урғочисининг 3,17кг бўлганда, уларнинг вазни мос равища 2,25 ва 1,7 бўлган). Бундай вазнлик сайгоқчалар элиминациясининг эҳтимоли 0,8ни ташкил этади.

2007й. май ойида альбинос-сайгоқчани учратдик. Ўзимизнинг ёнимиздан 700 метр нарида, ундан ҳар томонга еши катта урғочилар кочиб кетаётган оқ донги кўрдик. Ёнига якинлашганда, ўтлар орасида бекиниб олган, куриб колган киндик ичакчасига қараганда, 2-3 кунлик урғочи-сайгоқчани кўрдик. Сайгоқчанинг вазни 2,4 кг, узундиги 55 см эди, ҳолбуки бу ешдаги урғочиларнинг кўрсатгичлари мос равища 3,46 кг ва 61,14 см ни ташкил этади. Топилган сайгоқчани кўздан кечиришимиз тўлиқ альбинизм ҳоли учраганини кўрсатди. Еш урғочи кўзининг рангли пардасида пигмент йўқ эди, шу сабабдан унинг кўзлари кизилга ўхшарди. Туёклиари ҳам пушти рангла эди, ваҳоланки оддий сайгоқчаларни кора бўлади. Думгазасининг устидаги тўқ йўли ҳам йўқ эди (сурат. кар.).

Шунингдек, биз яна бир альбинос-сайгоқчани кузатдик, унинг ёши ва жинсини аниқлай олмадик.

Умуман олганда, кўзилаш даврида альбинослар учрашининг частотаси таҳминан 1:5000-10000 (Проняев, Рожков, 1988). Бирок бизнинг холда альбинослар учрашининг частотаси юкори бўлиб, кузатилган 8 минг сайгоқчага 2та альбиносни ташкил этди. Катта сайгоқлар орасида битта ҳам альбинос топилмади. Сайгоқни, айниқса, урғочисига нисбатан, қиммат бўлган шохи учун танлаб кирилаётган эркаги сонининг қисқарилиши, якин кариндошлар орасидаги чатишувга олиб келиши мумкин. Бизнинг таҳминимизча, альбинос-сайгоқларнинг пайдо бўлиши, айнан шу омил билан шартланishi мумкин.

## Лойиҳалар шарҳи

### Муғулистонда сайгоқни сақлаш бўйича WWF лойиҳаси

2007 йил ноябрь ойида MAVA томонидан маблағ билан таъминланетган сайгоқ бўйича WWF-Муғулистан янги йирик лойиҳаси бошланди. Мониторинг олиб бориш максадида, инспекторлар ва маҳаллий аҳолини ўқитишини, овчилик коидалари бўйича мавжуд бўлган қонунчиликка тузатишлар тайёрлашда ҳукуматни жалб этишини ҳисобга олганда, у маълум натижаларга эришид.



Ижтимоий сўровларда жамоа чўпонларининг иштироки.  
Б. Чимеддорж сурати

Кўшимча равишида, жамоатчиликни жалб этиш бўйича дастур бошланди, шу жумладан маҳаллий мактабларда олтига эко-клуб тузилиши ҳам. Асосий ўзгариш конунчилик базасига тегишли бўлди ва бу ўз натижаларини олиб келди; браконьерликка қарши команда 2007й. нояброда сайгоқ урғочиси ва учта куланни ва 2008й. март ойида битта илвирсни отиб олган браконьерларни ушлаб колди.



Болалар эко-клуби таълим дастурининг қисми сифатида.  
Б. Чимеддорж сурати



Рейнджерлар командаси.  
Б. Чимеддорж сурати

## "Степной" заказникининг фаолиятида янги йўналиш




Табиатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларида маҳаллий аҳолининг иштирокисиз ёввойи табиатнинг қар қандай турини, шунингдек узоқ вақт давомида кенг овланган сайғоқ каби, ноеб турни саклашнинг иложиси йўқ. Шимоли-Ғарбий Каспий олдида Астрахан обlastининг "Степной" Заказники сайғоқлар учун энг муҳим худудлардан бири бўлади. Заказник ходимлари уларга топширилган худудда кечаю кундуз ва йил бўйи жуда қийин ва хавфли посбонлик киладилар, сайғоқ мониторингини ўтказадилар, илмий изланишларда иштирок этадилар. Сўнгги йилларда улар фактат сайғоқ муҳофазасидагина эмас (ушбу худудда бирорта браконьеरлик холати қайд этилмади), балки бу районнинг барча ноёб биологик хилма-хиллигини муҳофазасида ҳам катта муваффақиятларга эришдилар. Заказник худудида бундай ишончли муҳофаза ўрнатилиши фактат областъ ва район раҳбарларининг эмас, балки PTES, IFAW, LHF каби хомийларимизнинг ердами туфайли мумкин бўлди.

Охирги вактда Заказник ходимлари ўз фаолиятини кенгайтириб, муҳофаза қилиш тадбирларидан ташқарига чикишни карор килдилар. Сайғоқни саклаш бўйича Альянсдан олинган кичик грант туфайли, Заказникуда келувчиларга (бу эса ҳам ўқувчилар, ҳам студентлар, ҳам Астрахан обlastи раҳбарияти, ҳам Россия ва чет давлатларнинг турли муассасаларидан олимлар) Шимоли-Ғарбий Каспий олди худудида катта бўлмаган "тинчлик оролчаси"нинг табиати билан мукаммал танишишга, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси

Бу холлар ҳукукни химояловчи органлар томонидан текширилмоқда. 2007 йилнинг октябрь ойида 2006 йилда содир бўлган, 54 сайғоқка браконьеरлик бўйича ишни суд тақорири кўриб чиқишига олди. WWF-Муғалистон биринчи ишни ўтиборсиз қолдирган, шу ерли судьяларга қарши иш бошлиди ва бу уларни нопрофессионал ҳаракати учун истеъфога чиқишига олиб келди. 2008 йилнинг январида ўтказилган популациян учетларда сайғоқ сони 13 000 км<sup>2</sup> майдонда 3 240 бошга баҳоланди. Сайғоқ сонининг кўпайиши 2007 йилга нисбатан 11,8%ни ташкил этди. Ушбу шарҳ лойиханинг фактат асосий томонларини кўрсатади – WWF-Муғалистон фаолияти бўйича тўлиқ ҳисоботни SCA вебсайтида олишингиз мумкин. Кўшимча маълумот учун [chimeddorj@wwf.mn](mailto:chimeddorj@wwf.mn), Б. Чимеддоржга мурожаат қилинг.

тўғрисида маълумот олишга, табиатимизни сақлаш учун ҳар биримизнинг кўлнимиздан нима келишини яхшиrok тушинишимишга имкон берадиган экологик сўқмок жиҳозланди. Заказник худудида дам олиш ва сухбат қуриш жойлари жиҳозланган, сайғоқлар мунтазам келиб турадиган кудуклар тозаланган, йирткич күшлар учун сунний уялар килинган. Экологик таълим ва мътирифат бўйича ишлар кенгайтирилади ва такомиллаштирилади. Кўшимча маълумот учун [limstepnoi@mail.ru](mailto:limstepnoi@mail.ru), А.В.Хлудневга мурожаат қилинг.



"Степной" Заказнигидаги экологик сўқмокнинг схемаси. А.Хлуднев сурати

## Лондон Империал Колледж лойиҳалари бўйича янгиликлар



Олдинги ишларимизнинг мантикий давоми бўлган ва Дарвин Ташаббуси томонидан қўллаб-куватланган, Қалмоғистонда ўтказилетган "Сайғоқни саклаш жараенига жамоатчиликни жалб этишга ёндашишларни баҳолаш" бизнинг иккинчи лойиҳамиз 2007 йил 31 декабрда ниҳоясига етди. Бу лойиҳа жамиятнинг турли қисмлари, шу жумладан мактаблар, будда ибодатхоналари, экологик маориф марказлари, маҳаллий бошқарув органлари ва сайғоқни саклаш соҳасида ишлаётган мутахассислар орасида алокани ривожлантириш билан шуғилланган. Шунингдек, табиатни муҳофаза килишдаги ҳаракатларимизнинг, уларни инсонларнинг сайғоқка бўлган муносабатига таъсир қилиши жиҳатидан, самарадорлиги баҳоланди. Агарда бу изланишнинг натижалари бор якуний ҳисоботни олмокчи бўлсангиз, бизлар билан электрон почта орқали уланинг 2008 йилнинг давомида биз Давлат Қалмик университети билан биргалиқда Британ Кентгашининг BRIDGE дастури бўйича ишляпмиз. "Маҳаллий аҳолининг

иштирокида сайғоқ экологиясининг мониторинги" лойиҳасининг мақсади Буок Британия ва Россия университетлари орасида алока ўрнатишдан иборат. Кўшма илмий-текшириш лойиҳалари бўйича ҳар бир университетдан 2тадан талаба ишлапти. Лойиҳаларининг биринчиси маҳаллий аҳолининг кучи билан сайғоқ мониторингини олиб бориш имкониятини ўрганади. Бошқаси табиатни муҳофазаси ва фан учун маълумотларнинг максимал аҳамиятини кафолатлаш учун, "Черные Земли" Биосфера қўрикхонаси ва "Степной" заказникларининг базасида олиб бориляпти ва сайғоқ холатининг узок муддатли мониторингини яхшилашга қаратилган. Қозогистон Зоология Институти ва бошқа ҳамкорлар билан биргаликда ландшафт типига боғлиқ ҳолда, сайғоқнинг кўп йиллик тарқалишини ўрганиш бўйича янги лойиҳа бошламоқчимиз (2008 йилнинг сентяброда). Бу лойиҳа Leverhulme Trust ва Royal Society of London (Лондон Қирол Жамияти) томонидан маблағ билан таъминланади. Кўшимча маълумот учун [e.j.milner-gulland@imperial.ac.uk](mailto:e.j.milner-gulland@imperial.ac.uk), Э.Дж. Милнер-Гулланга мурожаат қилинг.

## Мен тўғримда эртак айтиб бер

Мана бир неча йилдан бери Сайгоқни сақлаш бўйича Альянснинг ўзбек командаси WCN молиявий ердамида Устюрт болалари учун таълим дастурини ўтказади. Сайгоқни сақлаш бўйича дастурга сайгоқка браконьерлик даражаси юкори бўлган, Жаслик ва Қорақалпок қишлоқларида жойлашган учта мактабнинг ўқитувчилари, ўқувчилари ва уларнинг ота-оналари фаол киришилар. Шунингдек, биз учун янги бўлган, Устюрт платосининг шаркий чинкидаги узоқ, одам оёғи этиши қийин бўлган районда жойлашган, Кубла-Устюрт поселкаси ўқувчиларини жалб этиш хисобига дастуримизни кентгайтиридик. Жорий Йилнинг март-апрель ойларида мактабларда сайгоқка бағишлиган спектакллар кўрсатилди. Намойишдан олдин болалар, педагоглар ва ҳатто ота-оналар ижодий ишладилар. Болалар сайгоқларга бағишлиган эртак, новелла ва шеърлар ёздилар. Уларнинг энг яхшилари жюри томонидан ажратиб олинди ва сайгоқ тўғрисида спектакллар сценарийларини яратишида ишлатилди.



Жаслик п. сайгоқ тўғрисида спектакль. A. Есипов сурати

Мактаблар тайерлаган намойишлар бир бирига ўхшамасди. Барча костюм ва декорацияларни болаларнинг ўзлари тайерланган. Масалан, Қорақалпок п. 56-сонли мактабида болалар кўғирчоқ театрини кўрсатдилар, бунда кўғирчоқдан бошлаб сайгоқ хаётидан саҳна тасвирлари тикилган пардаларгача болаларнинг кўли билан қилинган. Болалар сайгоқ ва унинг чўлда яшовчи бошқа ҳайвонлар билан муносабатлари, ҳамда якинда яшовчи инсонлар хақида кисқа афсонавий хикоялар кўрсатдилар. Қорақалпок п. 26-сонли мактаб болалари браконьерлар кўлидан сайгоқчани куткараетган жасур болалар хақида деярли детектив сюжетни ижро этдилар. Жаслик п. 54-сонли мактабининг намойиши жонли мусика, ракс, ашула ва шеърлар билан хакиқий байрамга айланди. Болалар ёзган хикоялар кизик ва истеъододли, чукур мазмун, ҳамда маҳаллий фолклор ва

Қорақалпок п. Қўғирчоқни намойишнинг репетицияси.  
A. Есипов сурати

анъаналарга бой эди. Афсуски, уларнинг ҳаммаси ҳам болалар спектаклларининг сюжетига кирмади. Кейинги йилда ишимизни давом эттириб, педагоглар билан биргаликда Ўзбекистон болалари ёзган, сайгоқ тўғрисидаги эртаклар китобини нашр этишга тайерлашни режалаштиридик. Биз ишонамизки, бу сайгоқка ва умуман она юртимизнинг табиатига тўғри муносабатни шакллантиришга ердам беради, ёшларнинг ижодий ривожланиши учун кучли рағбатлантирувчи омил бўлади, ҳамда катталар – ота-она, ака-опаларнинг сайгоқка бўлган муносабатини ўзгартиради ва улар сайгоқни факат анъанавий овлаш обьекти деб эмас, балки миллий бойлик ва маҳаллий маданиятнинг қисми деб биладилар. Кўшичма маълумот учун [esipov@sarkor.uz](mailto:esipov@sarkor.uz) Е.Бикова ва А.Есиповга мурожсаат қилинг.

Кубла-Устюрт п. ғолибларни мукофотлаш.  
A. Есипов сурати

## Анъанавий кашта тикиш Устюрт аеллари учун қўшимча даромад манбай сифатада

2008й. апрелида Сайгоқни сақлаш бўйича Альянс “Оролнинг олтин мероси” НПО билан биргаликда Устюрт (Ўзбекистон) аелларини анъанавий қорақалпок каштасига ўқитиш бўйича дастур бошлади. Бу дастур WCN молиявий кўмагида ўтказиляпти. Унинг мақсади, сайгоқнинг яшаш жойларига яқин бўлган аҳоли пунктларидағи аелларнинг қўшимча даромад олиши орқали, сайгоқнинг муҳофазасига кўмаклашиш. Сир эмас, айнан аел-бекалар оиласининг маънавий ва молиявий стратегиясини белгилайдилар. Нисбий арzonлиги учун маҳаллий аҳоли орасида унга талаб катта бўлган, сайгоқ гўштининг ҳаридорлари ҳам аеллардир. Ўзбекистондаги

Қадим зомондан регионда бой кашта билан безатилган миллий кийим ва уй анжомлари орқали ҳалқнинг ўзига хослигини ифодалаган, ноеб ва жуда колоритли моддий маданият ривожланган. Ипак билан кўлда тикилган кашта чукур манога эга бўлиб, табиат ва инсон ҳаётини акс эттирган. Каштадўз-чеварлар ҳайвон ва ўсимликлар тасвирини стилизацияланган, ийл мавсумларини ўзгариши ва одамларнинг анъанавий яшаш тарзини кўрсатганлар. Эҳтимол, бундан яхши бажарилган, расми ва рангини танлаш бўйича ўзига ҳос каштани топиш қийиндир.



Бу лойиҳанинг амалга ошиши мураккаб жихоз ва катта маблағ сарифлашни талаб этмайди, деярли ҳар қандай, фантазияси бор ва сабрли аел бу билан уйидаги шуғилланиши мумкин. Биринчи лойиҳа Жаслик поселкасида ўтказилияпти ва 1 йилга мўлжалланган. Бизлар тренинг ўтказиш учун хона тайёрладик, ўқишига кизиккан аелар гурухи тўпланди, жойдаги раҳбар аниқланди, кашта техникаси бўйича биринчи дарслар ўтказилди ва керакли сифатда биринчи маҳсулот ҳам олинди. Кейинчалик каштанинг қийинроқ элементларига ўргатиш давом эттирилади ва маҳсулот синаб кўриши учун сотиласди. Сайгоқни сақлаш гоясининг пропагандаси мақсадида, унинг стилизацияланган образини ишлаб чиқиб, ундан фойдаланишини режалаштирганимиз. *Қўшимча маълумот учун [esipov@sarkor.uz](mailto:esipov@sarkor.uz), Е.Бикова ва [altn1@rol.uz](mailto:altn1@rol.uz), Г.Ембергеновага мурожсаат қилинг.*



Жаслик пос-да анъанавий кашта тикишининг биринчи сабоқлари.

A. Есипов сурати



### Ўзбекистонда сайгоқ учун ҚТҲни баҳолаш бўйича янги лойиҳа бошланди

Ўзбекистонда “Сайгоқли” заказниги бор, бироқ у факат “қоғозда”гина мавжуд. Унинг мақоми қайта кўриб чиқилиб, мақсадлари аниқланиши керак. ҚТҲни режалаштирганда биохилма-хилликни сақлашнинг турли методларини ўрганиб чишиш, ҳамда регионни ривожланиши ва Устюртда биологик турларнинг узок муддатли сақланиши ўргасида мувозанатни топиш зарур. Янги ҚТҲ маҳаллий ахолининг бевосита иштироқида фаолият кўрсатиши кераклиги ҳам мухимdir.

“Сайгоқли” заказниги маҳсус сайгоқнинг қўзилаш жойларини кўриқлаш учун 1 млн. га майдонда 1991 йилда ташкил этилган. Штати, инфраструктураси, транспорти ва ҳ.к. бўлмагани учун, кўриқланадиган худуднинг бу шакли ишламаяпти. Атрофидаги маҳаллий ахоли заказник тўғрисида маълумотга эга эмас. Шу сабабларга кўра “Сайгоқли” заказнигини ҚТҲнинг самаралироқ шаклига қайта ташкил этиш зарур. 2008 й. апрелида Сайгоқни сақлаш бўйича Альянс, ЎзР ФА Зоология институти ва Fauna & Flora International, Disney Wildlife Foundation ва WildInvest молиявий кўмагида, заказникни ҚТҲнинг қатъийроқ шаклига қайта ташкил қилиш учун асос тайерлаш бўйича лойиҳа бошладилар. Лойиҳа командаси бу лойиҳага “Қоғодаги ҚТҲ”ни Ўзбекистонда сайгоқнинг худудий ҳимояси учун актив механизмга ўзгаришининг биринчи босқичи ва сайгоқнинг кўзилаш жойлари ва унинг миграция



Заказникнинг синдирилган ёрлиги енида.

A.Есипов сурати

йўлларининг самарали муҳофаза қилинишига Устюртда кўриқланадиган худудлар трансчегара тизимини тузиш учун дастлабки шарт сифатида карайди. *Қўшимча маълумот учун [esipov@sarkor.uz](mailto:esipov@sarkor.uz), A.Есипов ва Е.Бикова, ҳамда [Richard.Allcorn@fauna-flora.org](mailto:Richard.Allcorn@fauna-flora.org), Р.Олкорнга мурожсаат қилинг.*

## Янги нашриётлар

*Б. Д.Абатуров.* Россияда сайгоқ популяцияси ва уни сақлаш муаммолари. Россия Фанлар Академиясининг Хабарномаси, 2007, 77 том, № 9. 785-793 б.

Мутахассислар учун аниқ, табиатни мухофаза қилиш фаолияти, мураккаб комплекс тизим каби табиат қонунларини чукур билиш ва фундаментал тадқиқ этилишига асосланиши керак. Амалда эса, бу ёндашишдан оғишлар истисно эмас, қоидадир. Муаллиф сайгоқ сони динамикасининг таҳлили мисолида, фаунани ҳар қандай турининг мухофазаси факат бевосита унинг ҳимоясини эмас, балки яшаш мұхитни сақлаш бүйича ўзаро боғлиқ бўлган чоралар тузимини амалга ошириш ва инсоннинг хўжалик фаолиятини тартибга солишини ҳам кўзда тутишини кўрсатади.

*Н.Ю. Арилова.* Россияда сайгоқни сақлаймиз! Экология ва ҳаёт, № 1(74), 2008. 60-65 б.

Бугун сайгоқ тақдири қил устида турибди. Овланишининг умуман тақиқланишига қарамай, факат охриги 10 йил ичидаги Қалмогистонда сайгоқ сони 90 %га кисқарди. Маҳаллий аҳоли ва мутахассисларни сўроқлаш натижаси бўйича браконьерлик, яшаш жойларининг ўзгариши, миграция йўлларидағи тўсиқлар, бўрилар, чўл ёнғинлари - бу холатнинг сабаблари бўлади. Бироқ сонини камайишининг асосий сабаби ва унинг тикланиши йўлидаги тўсиқ – браконьерлик. Муаллиф томонидан ҳам халқаро, ҳам миллий даражадаги сайгоқни сақлаш бўйича турли ташаббус мисоллари келтирилган ва бу ноёб турнинг ҳимоясига барча маҳаллий аҳоли, ихтисослаштирилган табиатни мухофаза қилиш ташкилотлари, хукуқни ҳимоя қилувчи органлари туришидагина сайгоқни сақлаш мумкинлиги таъкидланган.

*Г.А.Клевезаль.* Сут эмизувларнинг ёшини аниқлашнинг қоида ва методлари. Москва: Т-во научных изданий КМК, 2007. 283 б.

Китоб китобхонларни сут эмизувларнинг ёшини аниқлаш асосий методлари билан таништиради. Китобнинг биринчи қисмida ҳайвонлар ёшини аниқлашнинг барча асосий методлари ҳар бирининг афзалликлари, камчиликлари ва қўлланиш жараенини кўрсатган ҳолда тавсифланган. Асосий эътибор тириклиқда ёшини аниқлаш методига қаратилган. Иккинчи қисмда сут эмизувларнинг 100дан ортиқ тури, шу жумладан сайгоқнинг ҳам ёшини аниқлашга имкон берадиган аниқ маълумотлар келтирилган.

## Эълонлар

### 2008 й. SCA кичик грантлар дастури



2008 йилда Ёввойи табиатни сақлаш бўйича тармок(WCN)нинг кўмагида Сайгоқни сақлаш бўйича Альянснинг Кичик грантлар дастури ўтказилиши тўғрисида мамнуният билан хабар берамиз. Бошқачасига маблағ билан таъминлаб бўлмайдиган, сайгоқни сақлаш бўйича қисқа муддатли кичик лойиҳаларни бажарилишига имкониятлар яратиб бериш - дастурнинг мақсади.

Тўғри келадиган лойиҳалар:

- Сайгоқни табиий шароитда (тутқинликда эмас) сақлашга қаратилиши
- Сайгоқ ҳолатига тўғри ва аниқ таъсир кўрсата олиши
- Максимал давомийлиги 1 йил(2009 й. ноябрь ойининг охири )гача бўлиши
- Бюджети 1 000 ва 2 000 АҚШ доллари орасида бўлиши
- Катта лойиҳанинг кичик қисми бўлмай, мустақил бўлиши
- Сайгоқни сақлаш бўйича Альянс ҳимоясида бажарилиши ва унинг Низомидаги моддалар ва унда кўрсатилган ҳисобот бериш талабларига жавоб бериши керак.

Кўпроқ маълумот ва талабнома(заявка) шаклини [www.saiga-conservation.com](http://www.saiga-conservation.com) сайтида ёки электрон почта орқали [esipov@sarkor.uz](mailto:esipov@sarkor.uz) ва [saigaconservationalliance@yahoo.co.uk](mailto:saigaconservationalliance@yahoo.co.uk) да олишингиз мумкин. Талабнома топширишнинг охриги муддати 2008й. 30 сентябрь. Лойиҳа давомийлиги 2008й. 15 ноябрдан бошлаб 1 йил.



«Степной» заказника сақлош, Россия. А. Лущекина сурати

# SCA сайғоқни сақлаш бүйича ҲМнинг бажарилиши тұғрисида

**Сайгоқни сақлаш бүйича ҲМнинг бажарилиши бүйича 2008й. январь-июлга CMS ҳисоботи**

SCA үчүн Э.Дж. Милнер-Гулланд томонидан тузилган

## Реферат

Хисобот даврида сайғоқни сақлаш соҳасыда жиддий юксалишга эришилди. Ҳисоботларнинг стандарт ва сифати ҳам анча яхшиланды, бу эса ютуқлар мониторингини самаралироқ үтказа олишимизни билдиради.

Сайғоқ бүйича фаолиятни маблағ билан таъминлашни давом эттираетган ва янги фонdlар күмагида Ўзбекистонда ва Қалмоғистонда бир нечта янги лойихалар бошланды. MAVA молиявий күмагида Муғулистонда бир нечта, айниқса бу бреконъерликка қарши фаолиятга ва жамоатчиликни жалб этишга тегишли йұналишлар бүйича, ҳаракатларни бажарилишига олиб келган, WWF-Муғулистон томонидан бошқарылаетган янги лойиха бошланды. Хитойда янги қонунчилік сайғоқ шохи захирасидан фойдаланишнинг назоратини кучайтируди. Қозоғистонда сайғоқни сақлаш бүйича фаолият давом этапти. Ҳисобот даврида Туркманистанда қилингандар бүйича маълумоттада.

Үрта муддатли дастурнинг баъзи бир бандлари бүйича ушбу ҳисобот даври ёки бошқа ҳисобот даврларида етарлича фаоллик белгиланмаяпти; бу қизиқиш уйғотади, айниқса A1 (муддатли ва энг муҳим) деб белгиланған чоралар бүйича. Бу ҳаракатлар ҳали ҳам муҳим бўлиб қоладими ёки йўқми аниқлаш зарур, агарда муҳимлигини йўқотмаган бўлса ҲМнинг кейинги учрашувигача уларни бажарилишига диққат-эътиборни қаратиш керак. Амалда ҳеч қандай ўзгариш кўрсатилмаган A1 энг муҳим ҳаракатлар:

*Ҳаракат 1.1. ҲМнинг Россия томонидан имзоланиши.*

*Ҳаракат 3.1. СИТЕС тавсияларига мувофиқ, Россия ва Қозоғистон томонидан конвенция низомларини бажарилишини кучайтириш ва экспортга мораторийни кучайтириш.*

*Ҳаракатлар 9.1/14.2. Муғулистонда кўпайтириш учун имкониятлар яратиш.*

*Ҳаракат 11.2. Урал популяциясининг яшаш ареалида ижтимоий фикрни шакллантириш ва аҳолини жалб этиш.*

*Ҳаракат 11.3. Урал популяцияси учун сайғоқни сақлаш бүйича чора-тадбирларни режалаштириш.*

Үрта муддатли дастурда A1 деб белгиланған бошқа ҳаракатлар ареалнинг баъзи давлатларида маълум прогрессга эга бўлди. Умуман олганда, ҲМни имзолаган давлатларнинг кейинги учрашувигача ўрта муддатли дастурнинг бажарилиши бүйича маълум юксалиш белгиланди. Тўлиқ ҳисобот [www.saiga-conservation.com](http://www.saiga-conservation.com) да жойлаштирилган. Илтимос, 2008 йил июль-декабрь даврига ҳисоботни бизларга **2008 йил 15 декабргача** юборинг. Илтимос, қилингандар бўлар, муддатлар, ҳомий ва бажарувчилар тұғрисида иложи борича аниқ маълумот беринг. Олдин хабар қилингандар ёки энди бошланиши керак бўлган ҳаракатларни киритманг. Агар лойихалар давом этаетган бўлса, ушбу лойихалар доирасида аниқ ҳодисаларни ёки лойиха қандай босқичдалигини кўрсатинг.

## Миннатдорчилар

Сайгоқни сақлаш бүйича Альянс ҳомийларга фаолиятимизни құллагани учун чин дилдан миннатдорчиларыни билдиради: Мэги Брайнт, Винс Мартин ва Ёввойи табиат фондига, Джуди ва Чак Ветиларга, Кенон ва Боб Хадсонларга, Линда Табор-Бекга, Джесефф Флокенга, Энн Мэри Бургун ва Бред Робертсларга, Мишель Хакеттга, Глория ва Кент Маршалларга, Стивен ва Карин Чейзларга, Гэвин Эвансга, Кэрролл Энн Ходджес ва Джесика Күлерларга, ҳамда сайғоқни сақлашга имконияти борича хисса қўшган барчага. Шунингдек, ушбу соннинг чиқишига ёрдам берган ташкилотлар - WCN, CMS, FZS ва WWFга ҳам миннатдорчиларымизни билдирмиз.